

EFFECTIVENESS OF THE STATE ENVIRONMENTAL MONITORING SYSTEM: ANALYSIS OF LEGISLATION AND LAW ENFORCEMENT PRACTICE

Karimova Zulfizar Lochinova

Senior Consultant, Institute for Analysis
and Regulatory Impact Assessment under
the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan
<https://doi.org/10.5281/zenodo.21414396>

Abstract: This article provides a comprehensive analysis of the legal framework, current effectiveness, and law enforcement practice of the state environmental monitoring system in the Republic of Uzbekistan. The regulatory and legal mechanism for organizing background monitoring of atmospheric air, surface waters, soil pollution, and its state of operation has been evaluated. During the analysis, the resource, practical, and result indicators of the monitoring system were studied, and problems were identified such as insufficient interdepartmental integration with a unified geographic information database, incomplete digitalization of monitoring data, lack of background monitoring practice, and a shortage of qualified personnel. Additionally, proposals have been developed to improve national legislation based on the experience of the European Union, the USA, the United Kingdom, and New Zealand.

Keywords: environment, state monitoring, atmospheric air, surface waters, soil monitoring, background monitoring, environmental safety, geoinformation system, digitalization, law enforcement practice.

АТРОФ ТАБИЙ МУҲИТ ДАВЛАТ МОНИТОРИНГИ ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ: ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ

Каримова Зулфизар Лочиновна

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Қонунчиликни таҳлил қилиш ва
тартибга солиш таъсирини баҳолаш
институтини бош маслаҳатчиси

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит давлат мониторинги тизимининг ҳуқуқий асослари, амалдаги самарадорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти комплекс таҳлил қилинган. Атмосфера ҳавоси, ер усти сувлари, тупроқ ифлосланиши ва фон мониторингини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий механизми ҳамда унинг амал қилиш ҳолати баҳоланган. Таҳлил жараёнида мониторинг тизимининг ресурс, амалиёт ва натижа кўрсаткичлари ўрганилиб, ягона геоахборот маълумотлар базаси билан идоралараро интеграциянинг етарли эмаслиги, мониторинг маълумотларини рақамлаштиришнинг тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги, фон мониторинги амалиётининг мавжуд эмаслиги ҳамда малакали кадрлар етишмаслиги каби муаммолар аниқланган. Шунингдек, Европа Иттифоқи, АҚШ, Буюк Британия ва Янги Зеландия тажрибаси асосида миллий қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: атроф табиий муҳит, давлат мониторинги, атмосфера ҳавоси, ер усти сувлари, тупроқ мониторинги, фон мониторинги, экологик хавфсизлик, геоахборот тизими, рақамлаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти.

Ҳозирги кунда экологик хавфсизликни таъминлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш давлат экологик

сийосатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Иқлим ўзгариши, саноатлашув суръатларининг ортиши ва антропоген таъсирнинг кучайиши атроф табиий муҳит ҳолатини доимий кузатиб боришни талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан давлат мониторинги тизими экологик хавфларни эрта аниқлаш, уларни баҳолаш ва тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишнинг муҳим ҳуқуқий механизми ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида мазкур соҳадаги муносабатлар асосан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 сентябрдаги 737-сон қарори билан тартибга солинади. Ушбу қарор атроф табиий муҳит давлат мониторинги тизимини такомиллаштириш, мониторинг маълумотларини ягона геоахборот базасида жамлаш ҳамда давлат органлари ўртасида ахборот алмашинувини таъминлашга қаратилган.

Тадқиқотнинг мақсади атроф табиий муҳит давлат мониторинги тизимининг ҳуқуқий асослари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш, амалдаги муаммоларни аниқлаш ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотда норматив-ҳуқуқий таҳлил, статистик таҳлил, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли ва мантиқий таҳлил усулларида фойдаланилди.

Атроф табиий муҳит давлат мониторинги экологик хавфсизликни таъминлашнинг асосий институтларидан бири ҳисобланади. Амалдаги тартибга мувофиқ мониторинг атмосфера ҳавоси, ер усти сувлари, тупроқ ҳамда фон мониторингини қамраб олади.

Норматив ҳужжатга мувофиқ атмосфера ҳавоси бўйича намуналар стационар кузатиш постларида суткасига камида уч марта олинади. Таҳлил натижалари бир сутка ичида Ягона геоахборот маълумотлар базасига киритилиши лозим. Белгиланган меъёрлардан беш барабар ортиқ ифлосланиш ҳолати аниқланганда тегишли давлат органлари зудлик билан хабардор қилиниши шарт.

Ер усти сувлари ва тупроқ мониторинги ҳам худди шундай тартибда амалга оширилиб, маълумотлар белгиланган муддатларда ягона маълумотлар базасига киритилади. Фон мониторинги эса биосфера қўриқхоналари ҳудудларида амалга оширилиши белгиланган.

Ушбу тартибнинг асосий мақсади атроф муҳит ҳолати ҳақида ишончли маълумотлар шакллантириш, экологик хавфларни прогноз қилиш ҳамда давлат бошқарув қарорларини илмий маълумотлар асосида қабул қилишдан иборат.

Статистика маълумотларига кўра, 2023–2025 йилларда стационар кузатув пунктлари сони 64 тадан 66 тага ошган. Автоматик мониторинг станциялари сони эса 8 тадан 23 тагача кўпайган. Бу рақамлар мониторинг тизимини рақамлаштириш соҳасида ижобий динамика мавжудлигини тасдиқлайди.

Бироқ мониторинг учун олинган намуналар сонидан салбий динамика кузатилган. Агар 2024 йилда 16 410 та намуна олинган бўлса, 2025 йилда ушбу кўрсаткич 2 489 тани ташкил этган. Бунинг асосий сабаби сифатида хўжалик юритувчи субъектларда мониторинг ўтказишнинг ҳуқуқий механизмида юзага келган ноаниқликлар кўрсатилган.

Мониторинг натижаларида атмосфера ҳавоси бўйича ифлосланиш ҳолатлари улушининг ошиши, сув ва тупроқ бўйича эса камайиши кузатилган. Бу атмосфера

ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида қўшимча ҳуқуқий ва ташкилий чораларни талаб этади.

Таҳлиллар асосида қуйидаги асосий муаммолар аниқланди.

Биринчидан, Ягона геоахборот маълумотлар базасининг идоралараро интеграцияси тўлиқ таъминланмаган. Айрим давлат органларида ахборот тизимлари умуман мавжуд эмас ёки қисман интеграция қилинган. Бу маълумотлар алмашинувини секинлаштирмоқда ва экологик хавфларга тезкор муносабат билдириш имкониятини чекламоқда.

Иккинчидан, ифлослантирувчи манбаларда мониторинг ўтказишнинг ҳуқуқий механизми етарлича аниқ эмас. Бу амалиётда мониторинг ишларининг вақтинча тўхтатилишига сабаб бўлган. Натижада статистик маълумотларнинг узлуксизлиги бузилган.

Учинчидан, маълумотларни Ягона геоахборот маълумотлар базасига ўз вақтида киритиш устидан самарали электрон назорат механизми йўқ. Ҳисоботларни кечиктирганлик учун аниқ ҳуқуқий таъсир чоралари белгиланмаган.

Тўртинчидан, фон мониторинги амалда деярли йўлга қўйилмаган. 2023–2025 йилларда мазкур йўналиш бўйича намуналар олинмаган. Бу эса табиий ва антропоген омилларни фарқлаш имкониятини чеклайди.

Бешинчидан, таҳлилий лабораторияларда ISO/IEC 17025 стандарти талабларига жавоб берадиган малакали аналитик-кимёгарлар ва метрология соҳаси мутахассислари етишмайди. Бу лаборатория тадқиқотларининг сифат даражасига таъсир кўрсатади.

Хорижий давлатлар тажрибаси ўрганиш натижасида мониторинг тизимини рақамлаштириш ва маълумотларни очиқ тақдим этиш самарадорликни сезиларли оширишини кўрсатди.

Европа Иттифоқида ҳаво сифати мониторинги бўйича маълумотлар **Air Quality e-Reporting** тизими орқали ягона форматда йиғилади ва қайта ишланади. Бу маълумотларни стандартлаштирилган тарзда киритиш, сақлаш, таҳлил қилиш ҳамда ҳисоботларни автоматик шакллантириш имконини беради.

АҚШда **AirNow** тизими орқали ҳаво сифати бўйича маълумотлар жорий режимда йиғилиб, аҳоли ва масъул органларга етказилади. Тизим мониторинг станцияларидан келаётган маълумотлар асосида ҳаво сифати индекси, прогнозлар ва хавф даражалари бўйича ахборот тақдим этади.

Буюк Британияда **Automatic Urban and Rural Network — AURN** энг йирик автоматлаштирилган ҳаво ифлосланиши мониторинги тармоғи ҳисобланади. У соатлик интервалда юқори аниқликдаги ва яқин реал вақтдаги маълумотларни тақдим этади.

Янги Зеландияда **LAWA** платформаси сув, ҳаво, ер ва бошқа экологик маълумотларни ягона очиқ манбада жамлайди. Маълумотлар 16 та ҳудудий кенгаш ва унитар органлар томонидан йиғилиб, жамоатчилик учун тушунарли шаклда тақдим этилади. Бу ҳудудий органлар маълумотларини ягона миллий платформада бирлаштириш бўйича фойдали модель бўлиши мумкин.

Ушбу тажрибалардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам мониторинг маълумотларини очиқ рақамли платформалар орқали жамоатчиликка тақдим этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

- атроф табиий муҳит мониторинги соҳасидаги барча давлат органларининг ахборот тизимларини Ягона геоахборот маълумотлар базаси билан тўлиқ интеграция қилиш;

- мониторинг маълумотларини киритиш, қайта ишлаш ва ҳисобот шакллантириш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш;

- мониторинг маълумотлари белгиланган муддатларда киритилмаган ҳолларда автоматик электрон назорат ва жавобгарлик механизмларини жорий қилиш;

- фон мониторинги бўйича алоҳида давлат дастурини қабул қилиш;

- sanoat zonalarida avtomatik monitoring stantsiyalari sonini kўpaytiriш;

- экологик маълумотларни очиқ маълумотлар портали орқали аҳолига реал вақт режимида эълон қилиш;

- экологик хавф даражаси ошиб кетганда тегишли давлат органларига автоматик хабар юборувчи рақамли механизмни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш.

Атроф табиий муҳит давлат мониторинги тизими экологик хавфсизликни таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий институти ҳисобланади. Ўзбекистонда мазкур соҳада мустаҳкам ҳуқуқий база шаклланган бўлса-да, ҳуқуқни қўллаш амалиёти уни янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Айниқса, рақамлаштириш, идоралараро интеграция, фон мониторингини йўлга қўйиш ва лабораториялар салоҳиятини ошириш соҳанинг устувор вазифалари бўлиб қолмоқда.

Мазкур таклифларнинг амалга оширилиши давлат мониторинги тизимининг самарадорлигини ошириш, экологик хавфларни ўз вақтида аниқлаш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 2023-йил 30-апрель. URL://<https://lex.uz/docs/6445147>
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 737-сон қарори. URL:// <https://lex.uz/uz/docs/4502812>